

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Ҳимояга рухсат этилади”
“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
мулдирл доц. Р. Ҳакимов**

« _____ » _____ 2016 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш” АЖнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш

БАЖАРДИ:

«Иқтисодиёт (саноат)» таълим
йўналиши 4-курс ЭКП-61
гуруҳи талабаси
Асқаралиев Жавохир

ИЛМИЙ РАҲБАР:

«Саноат иқтисодиёти» кафедраси
доценти Исаков М.Ю.

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 6

Мундарижа

Кириш

I Боб. Саноат корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари.....

1.1. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омиллари ва саноат ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг моҳияти.....

1.2. Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.....

1.3. Саноат корхонаси иқтисодий фаолияти самарадорлиги таҳлилини ўтказиш тамойиллари ва мезонлари

Биринчи боб бўйича хулосалар.....

II Боб. “Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш” АЖ ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили.....

2.1. «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ тавсифи ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....

2.2. Корхонада асосий воситалар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўз маблағлари билан таъминланиши таҳлили.....

2.3. Корхонада меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили.....

Иккинчи боб бўйича хулосалар.....

III боб. “Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш” АЖ иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....

3.1. «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари ва уни яхшилаш йўналишлари

3.2. Корхона фаолияти рентабеллик даражаси ва уни ошириш йўналишлари.....

3.3. Корхона мулкнинг таркиби ва маблағлари манбаини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш омиллари.....

Учинчи боб бўйича хулосалар.

Хулоса ва таклифлар

Фойданалган адабиётлар руйхати.....

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мақсади мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантириш эвазига аҳолининг турмуш даражасини ошириш, уларга муносиб ҳаёт даражасини яратишга қаратилган. Ушбу мақсадни самарали амалга оширишда мамлакат иқтисодиётида мавжуд ҳар бир корхонанинг самарали ишлашига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган иқтисодий субъектлар мураккаб ривожланиш йўлида бўлади. Бозор шароитида ҳар бир корхонанинг тақдири у ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки хизматга бўлган талаб ва таклиф даражасига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида “Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.”¹ деб таъкидлаб ўтдилар.

Ўтган 2015 йилда мамлакатимизда ислохотлар дастури давом эттирилиб, ундан ўрин олган муҳим чоралар ва тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мутаносиблик янада мустаҳкамланди, иқтисодиётимиз модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланди.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январ 2016 йил.

Президентимиз Ислом Каримов “Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур.”² деб таъкидладилар.

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш мақсадида 2006 йилдан бошлаб, саноатнинг энг муҳим 14 тармоғида, хусусан электроэнергетика, қора ва рангли метолургия, нефтьгаз, кимё, автомобиль, пахта тозалаш, енгил саноат, чарм пойабзал, ёғ мой ва фармоцевтика ҳамда қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда модернизация, техник ва технологик янгиланиш дастурлари қабул қилинди ва амалга оширилди.

Ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар пировардида жаҳон молиявий-иқтисодиёт таъсири нафақат олди олинди, балки инқироздан кейинги даврда барқаро суръатларда ривожланиш учун зарур шарт-шароит яратишга хизмат қилди. Бу эса, саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг сифатини ошириш учун ижобий омил бўлди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматга талаб катта бўлса корxonанинг ривожланиши учун имконият шунчалик катта бўлади. Аксинча, бозорда талаб мавжуд бўлмаган маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқарган корхона синади. Чунки унинг маҳсулоти ёки хизмати талаб бўлмаганлиги туфайли сотилмайди. Маҳсулотга талаб бўлган тақдирда уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар мўътадил ечимини топиши керак.

Жумладан мавжуд талабни қондириш учун қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш керак, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи қанча бўлади, корхона фойда олиш учун маҳсулотнинг таннархи қанчага тушиши керак?

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи, 16 январь 2016 йил.

Ушбу масалаларни ечиш учун корхонанинг қуввати етарлими, унинг технологияси бозордаги талаб мавжуд маҳсулотни чиқара оладими? Бу масалаларни тўғри ҳал этмасдан бозор шароитида корхонанинг муваффақиятли ривожланиши мумкин эмас.

Бозор иқтисодиётида корхона учун энг муҳими мамлакат иқтисодиётида шаклланган ўртача фойда миқдорини олиш ҳисобланади. Иқтисодий субъектлар ҳар йили ўз фаолиятларини фойда билан яқунлаши учун бозор шароитида жуда кўплаб иқтисодий, ташкилий масалаларини ҳал этишлари зарур бўлади. Мамлакат иқтисодиётида ҳар бир иқтисодий субъектнинг самарали фаолият юритиши охир оқибатда мамлакат макроиқтисодиётини жадал ва барқарор ривожланишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг эркинлашуви, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аниқ харидорининг бўлмаслиги, ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни олишда рақобатнинг кучлилиги қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Юқоридаги масалалар қайси корхонада энг мўътадил ечилса ўша корхонада самарадорлик юқори бўлади. Шу сабабли самарадорликни оширишга олиб келувчи барча омиллар чуқур таҳлил қилиниши ва ўз вақтида тегишли қарорлар қабул қилиниши лозим. Ҳар бир имкониятни маълум даврда чуқур ўрганиш керакли натижаларни беради. Шу сабабли ушбу битирув малакавий ишнинг мавзуси иқтисодиётнинг энг долзарб масалаларидан бирига бағишланган.

Битирув малакавий ишни ўрганилганлик даражаси. Йирик иқтисодчи олимлар томонидан истеъмол маҳсулотлари бозори, корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги муаммолари устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу масалаларга бағишланган жуда катта миқдордаги илмий ишлар, монография, рисоалар, мақолалар эълон қилинган, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. Бу олимлар жумласига Ким В.В., Хикматов О.Х., Убайдуллаева Р., Ўлмасов А.Ў., Ғуломов С.С., Зиядуллаев С.К., Искандеров И.И., Ортиқов А.О., Махмудов Э.Х., Исақов М., Юлдашева Ш.М. ларни киритиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади – корхонада ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги даражаси ва унга таъсир қилувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш асосида уни ошириш бўйича хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқишдир.

Битирув малакавий иш кенг қамровли, мураккаб масалаларга бағишланган бўлганлиги сабабли уни бир битирув малакавий ишда ҳар томонлама чуқур ўрганиш, масалага од барча саволларга жавоб топиш мумкин эмас. Шу сабабли ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- иқтисодий самарадорликнинг назарий масалаларини ўрганиш;
- корхонада иқтисодий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ёритиш;
- корхонада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳозирги даражасини ўрганиш;
- корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;
- корхонада ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш ва уларни асослаш.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, иқтисодчи олимларнинг ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлиги масалаларига оид ишланмалари ташкил этади. Битирув малакавий ишнинг бажаришда барча иқтисодий воқелик ўзаро боғлиқликда ва доимо ривожланишда деб қаралади. Дунё, минтақа ва мамлакат иқтисодиётида юз бераётган барча иқтисодий воқелик алоҳида олинган корхона фаолиятида ўз аксини топади. Битирув малакавий иш мавзесининг моҳиятини очишда қисқа ва узоқ муддатли иқтисодиё нуктаи назаридан қаралди. Айрим масалаларни ёритишда узоқ муддатли иқтисодиёт нуктаи назаридан фикр юритилса бошқа бир масалаларни ёритишда ва тегишли таклифлар беришда қисқа муддатли иқтисодиёт нуктаи назаридан қаралади.

Маскур тадқиқотда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотларидан кенг фойдаланилди. Битирув малакавий ишнинг моҳиятини ёритишда интернет саҳифаларида мавжуд маълумотлардан ҳам фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг объекти «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ ҳисобланади. Битирув малакавий ишда ушбу корхонанинг 2013-2015 йиллар учун ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, уни юксалтириш йўналишлари битирув малакавий ишнинг объекти ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ фаролиятини режалаштириш, ҳудудий ҳокимиятларининг саноатни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини яхшилаш борасида ишлаб чиқиладиган дастурларида ҳамда олий ўқув юртларининг иқтисодиёт йўналиши талабаларини ўқитишда фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, унинг асосий мазмунини ифодаловчи учта боб, саккиста савол, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий ва услубий асослари, амалий аҳамияти ва бошқалар баён этилган.

Битирув малакавий ишнинг асосий қисмининг биринчи бобида иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлаш омиллари ва саноат ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг моҳияти, корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари ва саноат корхонаси иқтисодий фаолияти самарадорлиги таҳлилини ўтказиш тамойиллари ва мезонлари ўрганилган.

Ишнинг иккинчи бобида «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ тавсифи ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари

таҳлили, корхонада меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили, корxonанинг асосий воситалар ва айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили ёритилган.

Ишнинг учинчи бобида «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари ва уни яхшилаш йўналишлари, корхона фаолияти рентабеллик даражасини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш йўналишлари, корxonалар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва тузилмасининг яхшилашнинг муҳим омилларига қаратилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса ва таклифлар қисмида олиб борилган тадқиқот натижаларида тегишли хулосалар чиқарилган ва уларнинг асосида саноатнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

I Боб. Саноат корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари

1.1. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омиллари ва саноат ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорлик тушунчаси, унинг моҳияти

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Айниқса аҳоли фаровонлигини ошириш ва юқори турмуш даражасини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва барқарор ривожланишига боғлиқ.


Шунга кўра, Ўзбекистон мустақилликка эришган палладан бошлаб мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ўзбек моделига асосланган иқтисодий сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган, бирёқлама ривожланган, “мўрт” иқтисодиётдан воз кечкииб, бой хом-ашё ва табиий ресурсларни замонавий асосда қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш, юқори технологияларга асосланган янги саноат тармоқларини барпо этишга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар амалга оширилди; ўта даражада давлатлаштирилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали мулкдорлар синфи шакллантирилди; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл берилди; иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш каби муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мазкур ислохотлар пировардида ўзининг самарасини кўрсатиб, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан

зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. 1991-1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДХ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткични – 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу рақам Россияда – 53 фоиз, Украинада – 52 фоиз, Белоруссияда – 54,6 фоиз, Қозоғистонда эса 75,4 фоизга тенг бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади³.

Жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган мураккаб вазият ва дунё бозорларида юзага келган ноқулай конъюнктурага қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти 2015 йилда ҳам юқори суръатларда ўсишда давом этди. Хусусан, 2015 йил якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 2014 йилга нисбатан 8 фоизни ва унинг номинал ҳажми 171,4 трлн. сўмни ташкил этди⁴ (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси⁵, фоизда

³ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 13-б.

⁴ 2015 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. - <http://cbu.uz/ru/node/47130>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик

Расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормоқда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиз, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич кейинги етти йил давомида деярли 8,2 фоиз даражасида бўлмоқда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этаётгани, унинг дунёдаги барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини сезиларли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари янада юксакроқ бўларди, деб хулоса чиқариш учун етарли асослар бор.


Шу ўринда Президентимиз маърузасида юртимиз иқтисодиётининг “барқарор юқори ўсиш суръатлари”ни таъминлаш алоҳида таъкидланганига эътибор қаратиш лозим.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги энг аввало унинг қандай омиллар эвазига таъминланаётганлигига боғлиқ. Чунки, айнан ташқи бозорга хомашё ресурслари, жумладан, углеводород хомашёларини сотиш эвазига миллий маҳсулотининг ўсишини нафақат таъминлаб, балки юқори суръатларини намоён этиб келган кўплаб мамлакатлар бугунги, яъни жаҳон бозорида хомашё ресурслари, айниқса нефтнинг нархи кескин пасайиб кетган бир шароитда мушкул ҳолатга тушиб қолдилар. Мазкур хомашёларнинг нисбатан юқори нархлари шароитида тузилган ривожланиш стратегия ва

бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2016. – 465 бет.

режалари муваффақиятсизликка учраб, аксарият ҳолларда инқироз “кўчалари”га кириб қолдилар.

Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг дастлабки палласиданок ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ички, барқарор омилларига таянувчи самарали иқтисодий сиёсатга эътибор қаратди. Бунда мамлакатдаги бой хомашё ва ресурсларни қайта ишлашга йўналтирилган юқори технологик саноат тармоқларини барпо этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиёт салоҳиятини кенгайтирувчи инвестицияларни амалга ошириш ишларига катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2015 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашда қуйидагилар асосий омил бўлди (2-расм).



2-расм. 2015 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаган омиллар⁶.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришди” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2016. – 465 бет.

Юқоридаги омиллар таъсири остида мамлакатимизда 2015 йилда иқтисодиётнинг асосий соҳа ва тармоқларидаги кўшимча ўсиш суръатини куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий соҳа ва тармоқларидаги кўшимча ўсиш суръати, фоизда

Кўрсаткич	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноат маҳсулоти	12,1	12,7	9,1	8,5	6,4	7,9	8,8	8,3	8,0
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	6,1	4,5	5,8	6,9	6,6	7,0	6,8	6,9	7,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	25,8	34,1	24,8	8,7	3,8	12,7	10,1	10,9	9,5
Чакана савдо айланмаси	15,5	18,4	19,3	13,6	17,1	13,9	14,8	14,3	15,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	6,5	4,7	5,8	6,6	6,8	7,0	13,5	15,7	10,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2014 йилга нисбатан 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 10,8 фоизга ўсиб, унинг яна ЯИМ таркибидаги улуши 54,5 фоизни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2014 йилга нисбатан 15 фоизга ўсиши таъминлайди.

Иқтисодиётдаги таркибий силжишларни баҳолашда иқтисодиёт таркиби асосан тармоқ, такрор ишлаб чиқариш, минтақавий ва ташқи савдо

жихатидан қаралади. Иқтисодиётдаги таркибий силжишлар тармоқ жихатдан қаралганда, асосий уч тармоқ: саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар кўрсатиш соҳаларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши ёки ушбу тармоқларда банд бўлган аҳоли сонига қараб аниқланади. Мамлакат иқтисодий ўсишининг дастлабки босқичларида мазкур уч тармоқнинг иқтисодиётдаги улуши жихатидан қишлоқ хўжалиги устунлик қилса, иқтисодий ўсишнинг кейинги босқичларида саноат ва юқори иқтисодий ўсиш палласида эса хизматлар кўрсатиш соҳасининг етакчилик қилиши кузатилади.

Мамлакатимизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши камайиб, саноатнинг улуши ошиб бормоқда. 1995 йилда қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 37,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 17,2% ни ташкил қилди. ЯИМда саноатнинг улуши эса 1995 йилдан 2004 йилдаги 17,1% дан 24,1% га кўтарилди. ЯИМда хизматлар кўрсатиш соҳаси улуши 2004 йилда жами 56,1% бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 58,7фоизни ташкил қилди (2-жадвал).

Мазкур 2-жадвал маълумотларидан қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши икки баробардан кўп қисқарганини кўриш мумкин, аммо қишлоқ хўжалигининг ўзгармас баҳолардаги ҳажми 1991 йилга нисбатан 2,7 баробар ошган. Бундай юқори даражадаги ўсишда қишлоқ хўжалиги улушининг қисқарганини ЯИМ таркибида хизматлар соҳасида қурилишнинг 4,8 ва хизматларда 4 баробар ошгани ҳамда соф эгри солиқларнинг 6,4 баробар ошгани билан асосланади.

Мамлакатимизда ЯИМ таркибида саноат улушининг ортиб бориши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга катта ҳисса қўшади. Чунки, мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсишининг зарурий шарти саноат қайта ишлаб чиқариш тармоқларининг шиддат билан ривожланишидир. Саноат соҳасининг ривожланиши эса иқтисодиёт бошқа тармоқларини индустриаллаштиришга шарт-шароит яратиб беради ҳамда шунга мувофиқ бу тармоқларда меҳнат унумдорлигини оширади.

**Ўзбекистонда Республикаси Ялпи ички маҳсулот таркибининг
1995-2014 йиллардаги ўзгариши (фоиз ҳисоботида)**

Кўрсаткичлар	1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	1995 йилга нисбат ан, марта
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	24,0	24,0	24,0	24,2	24,1	2,0
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	37,4	28,1	30,1	25,0	17,5	17,6	17,5	16,8	17,2	2,7
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	6,4	6,1	5,9	6,0	6,0	4,8
Пуллик хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	45,1	44,5	44,9	44,2	45,7	4,0
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	7,0	7,8	7,7	8,0	8,0	6,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Президентимиз Ислон Каримов “Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур.”⁷ деб таъкидладилар.

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш мақсадида 2006 йилдан бошлаб, саноатнинг энг муҳим 14 тармоғида, хусусан электроэнергетика, қора ва рангли метолургия, нефтьгаз, кимё, автомобиль, пахта тозалаш, енгил саноат, чарм пойабзал, ёғ мой ва фармоцевтика ҳамда

⁷ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. -Т.: Халқ сўзи, 16 январь 2016 йил.

курулиш махсулотларини ишлаб чиқаришда модернизация, техник ва технологик янгилашни дастурлари қабул қилинди ва амалга оширилди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2000-2014 йилларидаги саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш кўрсаткичлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2000 йилга нисбатан ўсиш, марта
Умумий саноат ишлаб чиқариш	105,9	107,9	108,3	106,3	107,9	108,8	108,3	2,99
Ёқилғи-хомашё саноати ишлаб чиқариш	102,7	102,6	103,3	103,1	105,1	103,8	104,7	1,62
Қайта ишловчи саноат тармоқлари ишлаб чиқариш	109,3	114,2	115,6	110,9	111,2	115,1	110,7	6,49
Саноатда қўшилган қиймат	101,3	103,8	104,2	103,4	104,4	106,0		1,79
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	106,2	116,6	112,0	111,0	107,6	114,1	109,4	4,91

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

Ўз вақтида қабул қилинган чора-тадбирлар пировардида жаҳон молиявий-иқтисодиёт таъсири нафақат олди олинди, балки инқироздан кейинги даврда барқарор суръатларда ривожланиш учун зарур шарт-шароит яратишга хизмат қилди. Бу эса, саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг сифатини ошириш учун ижобий омил бўлди.

Оптимал иқтисодиёт таркибида юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқариш ва янги технологик ишлаб чиқаришнинг улуши экспортга йўналтирилган қазиб чиқариш саноатининг улушидан юқори бўлиши лозим.

Юқоридаги 3-жадвал маълумотларидан ялпи саноат ишлаб чиқариш 3 баробар ортган. Бунда ўсишнинг асосий қисми қайта ишловчи саноат тармоқларининг ривожланиши ҳисобидан эришилган алоҳида эътиборга молик. Таҳлил қилинаётган даврда ушбу тармоқ 6,5 баробар ошганини, ёқилғи-хомашё саноати ишлаб чиқариши эса 1,6 баробар ошганини кўришимиз мумкин.

ҳажмини 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 8 фоизга ўсишини таъминлади

4-жадвал

Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркиби, % да

Кўрстакичлар	Йиллар								
	2000	2005	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Жами саноат тармоғи бўйича	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Электроэнергетика	8,5	11,3	8,6	8,7	8,1	8,0	7,7	7,5	7,3
Ёқилғи	15,3	16,2	20,0	21,3	19,8	17,5	18,0	15,8	13,3
Қора металлургия	1,2	2,3	2,9	2,4	2,4	2,6	2,6	2,4	2,7
Рангли металлургия	10,2	17,1	12,5	11,5	10,9	10,4	10,0	9,5	8,9
Кимё ва нефт кимёси	5,7	5,2	5,1	4,7	5,1	5,5	5,5	5,4	5,3
Машинасозлик ва металга ишлов бериш	9,8	13,0	16,1	16,3	16,1	16,1	17,5	19,8	19,2
Қурилиш материаллари саноати	5,4	3,6	5,0	5,0	4,9	5,3	5,5	6,4	6,4
Енгил саноат	19,1	16,6	12,6	12,1	13,3	13,5	12,9	13,0	14,1
Озиқ-овқат	13,3	8,2	10,7	11,4	12,8	14,0	13,2	13,2	15,1
Бошқа тармоқлар	11,4	6,5	6,6	6,7	6,6	7,1	7,1	7,1	5,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони доирасида мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия сиғими, меҳнат ва материал харажатларини камайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, рақобатбардош тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайтириш, ушбу маҳсулотларга ички ва ташқи бозорларда талабнинг ошишига эришиш, бунинг учун эса ҳорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш ишлари кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. Ўсиш суръатлари куйидаги тармоқларда, жумладан, машинасозлик ва метални қайта ишлаш – 113,5%, кимё ва нефткимё – 108,9%, енгил саноат (пахта тозалашсиз) – 122,7% (жумладан, пахтани қайта ишлаш – 123,1%, тўқимачилик – 115,8%, тикувчилик – 129%, терини қайта ишлаш – 120,5%), курилиш материаллари саноати – 110,7%, ёғочни қайта ишлаш – 112,3%, озиқ-овқат – 107,6%. Ушбу тармоқларнинг улуши саноат ишлаб чиқаришнинг умумий структурасида 2013 йилдаги 55,5 фоиздан 2014 йил натижалари бўйича 57,4 фоизгача ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоизга, жумладан озиқ-овқат – 8,7% ва ноозиқ-овқат 10 % га. Технологик жараёнлар ва хом-ашё сарфи нормасини мақбуллаштириш, йирик корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилган йўқотишлар ва ноишлаб чиқариш харажатларини олиб ташлаш бўйича чора-тадбирларнинг

амалга оширилиши натижасида маҳсулотлар таннархи ўртача 10,1 фоиз камайишига эришилди ва умумий саноат бўйича меҳнат унимдорлиги 6,5 фоизга ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига қуйидаги омиллар сабаб бўлди.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 200-2013 йиллар бўйича Модернизация самарадорлиги кўрсаткичлари динамикаси

Кўрстаклар	2000	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Ўтган йилга нисбатан меҳнат унимдорлигининг ўсиш суръати, фоизда	102,2	105,0	104,9	110,0	103,5	97,2	99,0	105,6	105,6
Асбоб-ускуна ва машиналарнинг эскириши, фоизда	60,3	54,3	59,0	58,6	55,5	52,7	52,4	50,9	50,5
Асосий фаолият воситаларининг янгилаши даражаси, фоизда	12,1	14,1	17,0	12,8	18,1	17,1	12,6	18,9	12,9
Машина ва асбоб-ускуналарнинг янгилаши муддати, йилда	11,0	11,0	12,0	7,0	5,0	7,0	11,0	7,0	9,0
Машина ва асбоб-ускуналарнинг ҳисобдан чиқарилиши, фоизда	5,7	5,7	3,0	4,2	6,4	1,1	3,2	6,3	2,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга туширилди. 2015 йил якунлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 2014 йилга

нисбатан 9,5% га кўпайди. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар улуши 66,5%ни ташкил этган, шу жумладан ёқилғи-энергетика комплекси улуши 21,6%, металлургия 3,3%, енгил саноат 2,3 ва озиқ-овқат саноати 2%ни ташкил этди. Инвестиция дастури доирасида саноат тармоқларида 154 та йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида саноат соҳасида 6,2 мингта лойиҳа амалга оширилиб, шу жумладан 4,1 мингта янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга тижорат банклари томонидан 2,1 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар тақдим этилди, бу лойиҳалар ташаббускорларининг 4,4 трлн. сўмдан ортиқ ўз маблағлари инвестиция қилинди ва хорижий инвесторларнинг 346,2 млн. доллар маблағлари ўзлаштирилди. Қурилиш материаллари саноатида (1,8 мингта лойиҳа), озиқ-овқат саноатида (1,7), енгил саноат ва текстиль тармоқларида (1,3) лойиҳалар амалга оширилди. 2014 йил давомида

Мамлакатимизда Барпо этилган («Навои» эркин индустриал - иқтисодиёт зона, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал) ҳудудларда техник кремний, шакар, меъморий қоплама ғиш, гипс кукуни, гипсокартон, сув иситиш коллекторлари, сантехника маҳсулотлари ва автотранспортни сиқилган табиий газга ўтказиш учун капот остига ўрнатиладиган жиҳоз ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 130 млн. доллардан ортиқ бўлган 7 та лойиҳанинг амалга оширилиши ниҳоясига етказилди. Шунингдек, мазкур зоналар ҳудудида янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича 345 млн. доллардан ортиқ қийматдаги 29 та инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан саналади. Иқтисодиётнинг ривожланиши бу охирги мақсад эмас балки иқтисодиётнинг ривожланиши самарадорликка эришган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Самарадорлик корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди⁸.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

⁸ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга караганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка караганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўллардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узок муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан кўпайтириши мумкин. Узок муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Япониянинг “Омрон” фирмаси ўзига “Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун” деган иборани шиор қилиб олган. Американинг “Катерпиллер” компаниясининг шиори “Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш” бўлса, “Рибок” фирмаси “Яхши баҳодаги нарх” иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечасини келтириб ўтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини қидириш, харажат ва натижаларни

тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

1.2. Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари

Иқтисодиётда ҳар қандай категория маълум ўлчамга эга бўлиши лозим. Худди шундай корхонанинг иқтисодий фаолиятини баҳолашда, энг аввало, иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб уни қиймати ва харажати нуқтаи назаридан аниқлаш лозим. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия балансидаги асосий восита (Ав), айланма маблағлар (Айм) умумий суммаларини ҳамда ҳисоб-китоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини (Хқ) олиш мумкин.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилишда хўжалик фаолиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнда иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак ҳолда ўрганилади. Моддий ресурслар ва активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса бу ҳисобот таркибида кўрсатилмайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- * бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

- * истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

- * айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади (1.- жадвал).

Корхонада самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда самарадорликни аниқлашда барча кўрсаткичларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга натурал кўрсаткичлар киради. Иккинчи гуруҳга иқтисодий кўрсаткичлар киради. Ҳар икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш самарадорликни аниқроқ кўрсатади. Шу сабабли биз самарадорликни аниқлашда натурал ва иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

6 - жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқаси⁹

Моддий ва буюмлашган шаклда		Пул шаклида	
<i>Ресурслар</i>	<i>Харажатлар</i>	<i>Ресурслар</i>	<i>харажатлар</i>
Ишчи кучи сони	Меҳнат (сифат ва миқдор)	Меҳнат ҳақи фонди	Тўланган ойлик миқдори, жумладан, мукофот ва қўшимчалар
Бино, иншоот, машина ва ускуналар	Меҳнат курулларининг эскириши	Асосий капитал	Амортизация ажратмалар
Меҳнат предметлари	Истеъмол, талаб, материаллар, ёқилғи, энергия ва ҳоказо	Айланма капитал	Сарфланган хом ашё, материал ва ҳоказолар қиймати
Тайёр маҳсулот	Дизайн, реклама, кадоқлаш, товар йўқотишлари	Муомала фондлари	Қўшимча харажатлар (қиймат)
-	-	Пул маблағлари	Кредит учун фоиз

⁹ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан катъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлилқилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.
2. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.
3. Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўлларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги ($M_{c.n}$) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

Агар натижани «Q» деб белгиласак, унинг меҳнат салоҳиятига (M_c) нисбати, яъни меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги қуйидагича аниқланади:

$$M_{c.n}=Q/M_c.$$

Ушбу кўрсаткич 1 сўм меҳнат салоҳиятига қанча сўм миқдоридан натижа (маҳсулот, товар обороти, юк обороти кабилар) тўғри келганлигини ифодалайди. Буни бошқача сўз билан меҳнат унумдорлиги деб ҳам аташ мумкин. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги ($M_{c.p}$) ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлигига тўғри келадиган фойда (Φ) миқдорини ифодалайди. Уни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (M_c) нисбати олинади:

$$M_{c.p}=\Phi/M_c.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг даромадлиги (Мс.д) ҳам унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Уни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат салоҳияти миқдorigа (Мс) бўлинади:

$$Мс.д = Д / Мс.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса самарадорлик шунча юқори деган хулосага келиш мумкин. Чунки ҳар бир меҳнат салоҳиятига тўғри келадиган даромад миқдори юқори бўлади.

Меҳнат қуроллари (асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради¹⁰.

Фонд қайтими (f_o) ва фонд сиғимини (f_e) аниқлаш формуласи куйидагича:

$$f_o = \frac{Q}{\Phi}$$

Бу ерда:

Q - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

Φ – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$f_e = \frac{\Phi}{Q}$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда

¹⁰ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим захираси ҳисобланади.

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш молиявий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмасак, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: Ав маҳсулдорлиги, Ав даромадлиги, Ав рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэффиценти киради (7-жадвал).

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири аниқланади.

Мазкур омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия этиш керак бўлади.

7-жадвал

**Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларни нг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Асосий воситалар Рентабеллиги	Асосий воситалар ўртача қийма-тига нисбатан	$\frac{CF*100}{AV}$
2. Асосий воситалар Даромадлиги	Асосий воситалар ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$D*100/AV$
3. Асосий воситалар Нативавийлиги(фонд қайтими)	1 сўм Асосий воситалар ўртача қийматига қанча миқдорда натижа-вий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди	Q/AV

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. –
Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2012, – 256 б.

Корхона фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланади.

Рентабеллик - корхона фойдалиқ даражасини характерлайди. Одатда унинг бир неча турлари ҳисоб-китоб қилинади. Бу бевосита мулкнинг шакли бўйича даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ёки базаси бўйича, фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи бирликлар бўйича ёки мустақил бирликлар бўйича аниқланиши мумкин.

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги, кунларда	Айланма маблағлар Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$Айм.Кс / Q$ Кс – даврдаги кунлар сони
2. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	Таҳлил даврида Айланма маблағларга қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	$Q / Айм$
3. Айланма маблағларнинг рентабеллиги	100 сўм Айланма маблағлар Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$Ф * 100 / Айм$
4. Айланма маблағларнинг даромадлилиги	100 сўм Айланма маблағлар Суммасига тўғри келадиган даромадни (Д) ифодалайди	$Д * 100 / Айм$
5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$Деб * Кс / Q$

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2012, – 256 б.

Хозирги шароитларида рентабелликнинг аҳамияти ва ўрни ўсиб бормоқда. У корхона фаолияти ва капитал қўйилмалар иқтисодий

самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни баҳолашнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш заҳираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик даражаси кўрсаткичининг юқори бўлиши корхона ихтиёридаги асосий ва айланма фондлардан оқилона фойдаланилаётганини ва корхонанинг маълум миқдорда фойда (даромад) олаётганлигини кўрсатади.

Корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагича¹¹:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАйк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонанинг жами активлари рентабеллиги корхона активларига қўйилган маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган соф фойда, активлардан қанчалик даражада фойдаланилганлигини ифода қилади.

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ($P_{см}$):

$$P_{см} = \frac{Я\Phi}{ССТ}$$

ёки

$$P_{см} = \frac{C\Phi}{ССТ}$$

¹¹ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006, – 208 б.

Бу ерда: P_{CM} – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$ЯФ$ – ялпи фойда;

$СФ$ – соф фойда;

$ССТ$ – маҳсулот сотишдан соф тушум.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча ялпи фойда ёки соф фойда келтирганини кўрсатади.

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{ХК}$):

Бу ерда: $СФ$ – соф фойда; $P_{ХК} = \frac{СФ}{ХК}$
 $ХК$ – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

Мулқдор томонидан киритилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда фойдаланилади ва бу кўрсаткич бошқа қимматли қоғозларга киритилганда олинishi мумкин бўлган даромад билан солиштириш имконини беради.

Хусусий капитал ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини кўрсатади.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{ИХ}$), бу айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир сўмига олинган ялпи фойда ёки соф фойдани ифода қилади. Бу кўрсаткичдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг солиштирама самарадорлигини аниқлашда кенг фойдаланилади.

$$P_{ИХ} = \frac{ЯФ}{МИТ}$$

ёки

$$P_{ИХ} = \frac{СФ}{МИТ}$$

Бу ерда: $ЯФ$ – ялпи фойда;

$СФ$ – соф фойда;

$МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннари.

5. *Асосий воситалар рентабеллиги.* Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматиغا бўлиш асосида аниқланади.

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

6. *Оборот активлар рентабеллиги.* Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматиغا бўлиш асосида аниқланади:

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$

7. *Қарз маблағлари рентабеллиги.* Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$\text{Соф фойда} * 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$

Активлар рентабеллиги корхонада 1 сўм фойда олиш учун қанча маблағ жалб қилиш талаб этилишини (бу маблағлар манбаидан қатъи назар) акс эттиради. Ушбу кўрсаткич корхона рақобатбардошлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Сотиш рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини акс эттиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхона мулкдорлари яъни, эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бу кўрсаткични худди шу маблағларни бошқа қимматбаҳо қоғозларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан таққослаш имконини беради.

Ғарб мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади.

Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Шу тариқа, тавсия қилинувчи кўрсаткичлар таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга икониёт яратади.

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш, натижада эса маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланувчи барча харажатларни камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди.

1.3. Саноат корхонаси иқтисодий фаолияти самарадорлиги таҳлилини ўтказиш тамойиллари ва мезонлари

Саноат корхоналари иқтисодий фаолияти самарадорлигини таъминлаш кўп жихатдан ишлаб чиқаришнинг бошқарилишни, ички хўжалик режасини тузиш ва уни такомиллаштириш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, корхоналар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида бутун техникавий ва иқтисодий сиёсатни олиб боришни тақозо қилади.

Бинобарин, бу вазифаларни бажариш ўз навбатида хўжаликни бошқарувчи идораларни яна ҳам ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, иқтисодий бўлинмалар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни яна ҳам аниқ чегаралаш, бошқарув аппарати ишининг тезкорлиги ва ихчамлигини оширишни тақозо қилади. Демак, ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжаликни бошқаришда асосий қурол бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб

чиқариш жараёни ва натижалари ўз аксини кундалик ҳисоб ва ҳисоботда топади. Демак, иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилиш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, иқтисодий тежамни ўтказиш, техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибаларни тарқатиш, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим қурол сифатида қўлланилади.

Корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган қуйидаги тамойиллари мавжуд:

1. Объект ҳолатини дастлабки иқтисодий–назарий жихатдан таҳлил қилиш зарурлиги, ўрганиладиган ҳодисалар моҳияти ва бир–бирига ўзаро боғлиқлиги.

2. Таҳлилнинг комплекс характерга эга эканлиги ҳамда ўзаро бир-бирига узвий равишда боғлиқ аналитик кўрсаткичлар тизимининг қўлланилиши.

3. Иқтисодий маълумотларни аналитик жихатидан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдорий ва сифат белгиларига қараб туркумлаш.

4. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги аҳамияти.

5. Таҳлил натижалари асосида илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани корхоналарни бошқаришга яна ҳам кенг жалб этиш.

6. Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи роли ҳамда уларнинг иқтисодий таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Иқтисодий таҳлилнинг икки хил йўналишини кўрсатиш мумкин:

1. Корхоналар, ассоциациялар ва концернларнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Иқтисодиётни таҳлил қилиш.

Бунда иқтисодий туманлар, вилоятлар ва бутун республика иқтисодиётни иқтисодий таҳлил қилиш тушунилади.

Шуни айтиш керакки, иқтисодий таҳлил қилиш иқтисодий фанлар мажмуасида мустақил ўрин олмаган бўлиб, у иқтисодий назария ва тармоқлар макроиқтисод курсларида ўрганилади.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- иқтисодий барқарор корхона
- иқтисодий хатарли корхона
- иқтисодий ночор корхона:

ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга;

ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

*тўлов қобилияти коэффициенти (K_{TK});

*хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($K_{ХМ}$);

*Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($R_{ИХ}$),

*Активлар рентабеллиги. (R_A):

*хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{ХК}$);

*Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

*Эскириш коэффициенти ($K_{ЭСК}$)

*молиявий мустақиллик коэффициенти ($K_{ФН}$);

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англаувчи иқтисодий

ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сифими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

1. Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$) корxonанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тк} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{П_2 - Д_О}$$

Бу ерда: A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

$П_2$ – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо), бухгалтерия балансининг 770 сатри;

$Д_О$ – узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар тўлов қобилияти коэффиценти ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$) корxonанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П_1 + Д_зк_2) - A_1}{A_2}$$

Бу ерда: A_1 – узок муддатли активлар (асосий воситалар, капитал кўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Дзк2 – узок муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узок муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (P_{ux}),

$$P_{ux} = \frac{C\Phi}{МИТ} \quad \text{ёки} \quad P_{ux} = \frac{Я\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда: $Я\Phi$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

$МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАйк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Агар рентабеллик коэффициентлари нолда кичик бўлса корхона зарар билан ишлаётган деб ҳисобланади

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{хк}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

Бу ерда: Π_1 – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, кўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати йил охирида бирдан кичик бўлса, корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжудлигининг аломати бўлади. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг камайиши корхонанинг молиявий хатарини ортишини билдиради.

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{kf} = \frac{Q_{\text{ҳақиқий}}}{Q_{\text{лойиха}} - (Q_{\text{ижара}} + Q_{\text{консерв}})}$$

Q ҳақиқий – ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

Q лойиха – максимал, лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати

Q ижара – ижарага бериб юборилган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми;

Q консерв – консервация қилинган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми;

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 0.5 дан ёки тармоқ бўйича ўртача қийматдан кичик бўлса, корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш паст даражада деб қабул қилинади.

7. Эскириш коэффициенти ($K_{эск}$) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{эск} = \frac{Ав.эс}{Ав.бқ}$$

Бунда: $Ав.эс$ – асосий воситалар эскириш суммаси;

$Ав.бқ$ – асосий воситаларнинг бошланғич ишлаб чиқариш қиймати;

Ф1 – 1-шаклдаги “Бухгалтерия баланси»;

010 ва 011-сатрлар – баланс сатрлари.

Асосий воситаларни эскириш коэффиценти 0.5 дан юқори бўлмаслиги лозим.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналарнинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб берилган.

Иқтисодий хатарли корхона учун тўлов қобилияти коэффиценти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти меъёрдан дан кичик бўлса, молиявий мустақиллик коэффиценти 0,5 дан кичик бўлса, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти 0,2 дан кичик бўлса корхоналар иқтисодий хатарли корхона деб топилади.

Иқтисодий ночор корхона учун пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиши лозим.

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, шу билан бирга Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор бўлса, яъни тўлов қобилияти коэффиценти (K_{TK})меъёрда, рентабелли ва хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{ХМ}$) юқори бўлса “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор” деб қабул қилинади

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, унинг қиймати энг кам иш ҳақининг 500 бараваридан юқори бўлса ва Активлар рентабеллиги. (R_a)паст, тўлов қобилияти коэффиценти (K_{TK})кичик, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{ХМ}$)паст бўлса корхона “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти йўқ” деб қабул қилинади

Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси юқоридаги меъёрлардан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бирок барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида фойдани максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш ётади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад хажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади.

Меҳнат куруллари (асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сифими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сифими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин.

II Боб. “Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш” АЖ ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили

2.1. «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ тавсифи ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖ Ўзбекистон Республикаси Мулк кўмитаси Андижон вилояти бошқармасининг 1994 йил 30 июндаги 947-сонли буйруғига кўра хусусийлаштириш асосида ташкил этилган.

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖ Ўзбекистон Республикаси президентининг 11.06 2001йилдаги ПФ-2874 сонли фармони ва Вазирлар маҳкамасининг 12.06.2001 йилдаги 252-сонли “республика пахта тозалаш саноатининг бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида қайта руйхатдан ўтказилган

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖ “Андижон пахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ таркибига киради ва унинг улуши эса 51 фоизни ташкил этади. Жамият ўз фаолиятида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги қонунга ва уставига амал қилган ҳолда фаолият юритади.

Корхонанинг почта манзили: Андижон вилояти Андижон тумани Гулобод шаҳарчаси.

Жамиятнинг асосий фаолият мақсади турлари қуйидагилар:

- Пахта хомашёсини харид қилиш, контракция шартномалар асосида деҳқон, фермер хўжаликларидан пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш;

- Корхона иқтисодий, молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, корхонада ишловчилар учун қулай замонавий шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини кўтариш;

- Ўзбекистон Республикасида бозор инфрасуруктурасини барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқаридаги истеъмолчиларга халқ хўжалик истеъмоли моллари етказиб бериш;

- халқ хўжалик истеъмоли моллари етказиб бериш;
- Корхонани техник жихатдан жихозлаш, замонавийлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, корхонани ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш.

Жамият фаолиятини асосий фаолияти қуйидагилар ташкил этади:

- Пахта хом ашёси харид қилиш, ва кайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи кишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш;

- Тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хом ашёсини харид қилиш ва уни белгиланган режа топширикларга мувофиқ ўз вақтида кайта ишлаш ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш;

- Пахта етиштирувчи хўжаликларнинг пахтаси жаҳон бозарида харидоргир бўлган селекцион навларининг юқори кондицияли уруглик чигитлари билан таъминлаш пахта хом ашёсининг сифатли, қабул қилиш, сақланиши ва кайта ишлашини ташкил этиш;

- Пахта тозалаш корхонасининг техник жихатдан кайта жихозлаш ва ривожлантириш билан шугулланиш;

- Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш.

Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Кузатувчи кенгаш жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва йиғилишлар оралиғида акциядорлар манфаатларини ифодалайди.

Жамиятнинг кузатувчи кенгаши етти кишидан иборат таркибда “Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги низомга” асосан сайланади.

Жамият кузатув кенгаши аъзолари қонун ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик

муддатда сайланади. Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Жамият акцияларининг савдо-харид чоғидаги бозор қиймати қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида белгиланган.

Жамият устав фонди 630635850 сўм. У 1401413дона эгасини номи ёзилган акциялардан иборат бўлиб номинал қиймати 450 сўмга тенг бўлиб бўлиб, қуйидаги улушларга бўлинади:

“Андижон пахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ улуши 51%, 321624450 сўмлик 714721 дона акция

Меҳнат жамоаси улуши 7% , 50444100 сўмлик 112908 дона акция

Андижон вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси улуши 42%, 258560550 сўмлик, 574579 дона акциядан иборат.

“Узпахтасаноат” улуши – 15дона 6750 сўмдан иборат.

9-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 г.	2014 г.	2015 г.	Ўзгариш суръати, 2015 й. 2013 й.га нисбатан %
1.	2.	3.	4.	5.	6.
1.Маҳсулот, иш,хизматлар ҳажми солиштирама нархларда	Минг сўм	31279651	34650200	45785300	147
2.Маҳсулот, иш,хизматлар реализация ҳажми	Минг сўм	30703605	34115117	45195741	147
3.Реализация қилинган маҳсулот таннари	Минг сўм	21941095	24378994	32033632	146

1.	2.	3.	4.	5.	6.
4. Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси	Минг сўм	8762510	9735223	13162109	150
5. Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	9878711	10976346	12690797	128
6. Ходимлар сони	Киши	366	375	382	104
7. Иш ҳақи фонди	Минг сўм	1671595	2072250	2412559	144
8. Ўртача ойлик иш ҳақи	Минг сўм	380600	460500	526300	138
9. Фонд қайтими	Сум	3,1	3,1	3,6	116
10. Солиқ тўлагунга қадар фойда ёки зарар (+,-)	Минг сўм	3326663	3696292	4679123	141
11. Соф фойда ёки зарар (+,-)	Минг сўм	2516867	2796518	3538674	141
12. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	11,4	11,5	11	-

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

9-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки корхонанинг охириги уч йиллик фаолияти давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар билан ўсиб борган. Таҳлил даврининг охирига келиб эса базис йилга нисбатан 147% фоизга ўсишга эришилган. Бу ҳолат корхонада ишлаб чиқариш фаолияти яхши ташкил этилганлигидан дарак бермоқда. Сотув ҳажми ҳам ушбу давр охирида 147%га ўсган бўлиб маркетинг фаолияти бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилган деб хулоса қилиш мумкин.

Таҳлил даврида сотишдан олинган ялпи фойда 2013 йилда 8762510 минг сўмни ташкил этган бўлса 2015 йилга келиб 13162109 минг сўмгача ортган ёки 150 %га ўсишга эришилган. Буни ижобий баҳолаш мумкин.

Иқтисодий салоҳиятни ташкил этувчиларидан бўлган ходимлар сони таҳлил даврида 366 кишидан 382 кишигача кўпайган бўлиб ўзгариш 104 фоизни ташкил этган, иш ҳақи фонди ушбу йилларда ошиб борган ва 2013 йилда 1671595 мингсўмни ташкил этган бўлса 2015 йилга келиб 2412559 минг сўмгача ортган бўлиб ўзгариш динамикаси 144% ни ташкил этган. Бу ўз-ўзидан ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг ортишига олиб келади ва унинг миқдори 2013 йилда 380.6 минг сўмдан 2015 йили 526.3 минг сўмгача ортган ёки 138% ҳисобида ўсишга эришилган.

Таҳлил даврида асосий воситаларнинг қиймати эса 128 %га ўсишга эришилган.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини оширишнинг куйидаги йўналишларини корхона учун муҳим. Ташкилий йўналишлар бўйича: асосий воситаларнинг фақат корхонага иш берадиган қисми-нигина олиш; асосий воситаларнинг ортиқча қисмини ушлаб турмаслик;

эскирган ва маънавий талабга жавоб бермайдиган асосий во-ситаларни ҳисобдан чиқариш; асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта ўзгарти-риш; асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг мувофиқ шакллари белгилаш ва ҳ.к.

10-жадвал

Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот

Кўрсаткичлар	2013 йил		2014 йил		2015 йил	
	Даром адлар (фойда)	Хараж атлар (зарар)	Даром адлар (фойда)	Хараж атлар (зарар)	Даром адлар (фойда)	Хараж атлар (зарар)
1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.
Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	3070360 5	X	4115117	X	4519574 1	X

1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннари	X	2194109 5	X	2437899 4	X	3203363 2
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	8762510		9735223		1316210 9	
Давр харажатлари, жами шу жумладан:	X	5429602	X	6032891	X	8360658
Сотиш харажатлари	X	1085920	X	1809867	X	1672132
Маъмурий харажатлар	X	3257761	X	1206579	X	2508197
Бошка операцион харажатлар	X	5429602	X	3016445	X	4180329
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	117960	X	131966	X	125306	X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3450868		3834298		4926757	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	124205	X	138006	X	247634	X
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	62102,5	X	69003	X	123817	X
Фоизлар шаклидаги даромадлар		X	0	X	0	X
Валюта курси фаркидан даромадлар	62102,5	X	69003	X	123817	X
Молиявий фаолиятнинг харажатлари	x	248410	x	276012	x	495268
Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3326663		3696292		4679123	
Даромат (фойда)солигини тулагунга кадар фойда (зарар)	3326663		3696292		4679123	
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	2516867		2796518		3538674	

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Таҳлил даврида корхонанинг соф фойдаси ўзгариши бир текис бўлган. 2013 йили молиявий фаолият бўйича натижа 2516867 минг сўм билан яқунлаган. 2014 йили 2796518 минг сўм соф фойда олиб кейинги йилда уни 3538674 минг сўмгага ўсишга эришилган, ўзгариш давр бошига нисбатан 141 %ни ташкил этган.

2.2. Корхонада асосий воситалар ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ва ўз маблағлари билан таминланиши таҳлили

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш иқтисодий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмасак, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Корхонанинг асосий воситалари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили. Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннари арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар¹²

Кўрсаткичларни нг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Асосий воситалар Рентабеллиги	Асосий воситалар ўртача қийматига нисбатан	$\text{СФ} * 100 / \text{Ав}_{\text{ўр}}$
2. Асосий воситалар Даромадлиги	Асосий воситалар ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$\text{Д} * 100 / \text{Ав}$
3. Асосий воситалар Нативавийлиги (фонд қайтими)	1 сўм Асосий воситалар ўртача қийматига қанча миқдорда нативавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди	$\text{Q} / \text{Ав}$

Асосий воситалар рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$\text{Раф} = \text{СФ} * 100 / \text{Ав}_{\text{ўр}}$$

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

$$2013 \text{ йил } 2516867 * 100 / 9878711 = 25,4 \%$$

$$2014 \text{ йил } 2796518 * 100 / 10976346 = 25,5 \%$$

$$2015 \text{ йил } 3538674 * 100 / 12690797 = 27,9 \%$$

¹² Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 2010, – 256 б.

Асосий воситалар даромадлиги

$$Ав.д = Д*100/Ав$$

$$2013 \text{ йил } 8762510*100/9878711 = 88,6 \%$$

$$2014 \text{ йил } 9735223 *100/10976346 = 88,7\%$$

$$2015 \text{ йил } 13162109 *100/12690797 = 103,7 \%$$

Асосий воситалар натижавийлиги(фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг Ав ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$Авм=М/Ав_{ўр},$$

бунда: Авм – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

М – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

Ав_{ўр} – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун Асосий воситалар маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$Авм=С/Ав_{ўр},$$

бунда: С – сотилган маҳсулот ҳажми.

$$2013 \text{ йил } 30703605/9878711 = 3,1$$

$$2014 \text{ йил } 34115117 /10976346 = 3,1$$

$$2015 \text{ йил } 45195741 /12690797 = 3,6$$

**Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар таҳлили**

Кўрсаткичларнинг номи	2013й.	2014й.	2015й.	2015й.да 2013й.га нисбатан фарқи
Асосий воситалар Рентабеллиги, %	25,4	25,5	27,9	+2,5
Асосий воситалар Даромад- лилиги, %	88,6	88,7	103,7	+15,1
Асосий воситалар Натижа- вийлиги(фонд қайтими)	3,1	3,1	3,6	+0,5

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

12-Жадвал маълумотларидан кўринадики, асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммаси (рентабеллиги) 2013 йилда 25.4%, кейинги йилларда эса секин аста ортиб борган. Буни ижобий баҳолаш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган даромад суммасида эса юқори суръатлардаги ўсишни кузатиш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (фонд қайтими) суммасининг ўзгариши ижобий бўлиб, охиригги икки йилда бир маъромда ўсиб борган.

Корхона айланма маблағлари ва улардан самарали фойдаланиш. Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

13-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари¹³

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
Айланма маблағларнинг айланувчанлиги, кунларда	Айланма маблағлар Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\text{Айм} \cdot \text{Кс} / \text{Q}$ Кс – даврдаги кунлар сони
Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	Таҳлил даврида Айланма маблағларга қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	$\text{Q} / \text{Айм}$
Айланма маблағларнинг рентабеллиги	100 сўм Айланма маблағлар Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$\text{Ф} \cdot 100 / \text{Айм}$
Айланма маблағларнинг даромадлилиги	100 сўм Айланма маблағлар Суммасига тўғри келадиган даро-мадни (Д) ифодалайди	$\text{Д} \cdot 100 / \text{Айм}$
Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\text{Деб} \cdot \text{Кс} / \text{Q}$

¹³ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иктисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири аниқланади. Мазкур омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия этиш керак бўлади.

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги

$$2013\text{й. } 4956913 * 360 / 30703605 = 58 \text{ кун}$$

$$2014\text{й. } 5191746 * 360 / 34115117 = 55 \text{ кун}$$

$$2015\text{й. } 18923539 * 360 / 45195741 = 50 \text{ кун}$$

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффициенти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{Ак = С / Аймўс \quad ёки \quad Ак = 360 / Айма.}$$

$$2013\text{й. } Ак = 360 / 58 = 6,2$$

$$2014\text{й. } Ак = 360 / 55 = 6,5$$

$$2015\text{й. } Ак = 360 / 50 = 7,2$$

3. Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{Аймр = СФ * 100 / Аймўс,}$$

бунда: Аймр – айланма маблағлар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

2013 йил $2516867 * 100 / 4956913 = 50 \%$

2014 йил $2796518 * 100 / 5191746 = 54 \%$

2015 йил $3538674 * 100 / 18923539 = 57 \%$

4. Айланма маблағлар даромадлилиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = \text{Д} \times 100 / \text{Айм.}$$

2013 йил $8762510 * 100 / 4956913 = 176 \%$

2014 йил $9735223 * 100 / 5191746 = 187 \%$

2015 йил $13162109 * 100 / 18923539 = 211 \%$

5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)

2013й. $1224560 * 360 / 30703605 = 14,3$ кун

2014й. $1442085 * 360 / 34115117 = 15,2$ кун

2015й $1845870 * 360 / 45195741 = 14,7$ кун

14-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2013й.	2014й.	2015й	2015й. да 2013й. га нисбатан фарқи (+,-)
Айланма маблағларнинг айланувчанлиги, кунларда	58	55	50	-8
Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	6,2	6,5	7,2	+1
Айланма маблағларнинг рентабеллиги	50	54	57	+7
Айланма маблағларнинг даромадлилиги	176	187	211	+35
Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	14,3	15,2	14,7	+0,4

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

Ушбу 14-жадвалдаги Айланма маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан айланма маблағларнинг рентабеллиги ва айланувчанлик коэффициенти кўрсаткичлари ижобий ўзгаришга эга. Айланма маблағларнинг айланувчанлигининг камайганлиги сотиш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидан, даромадлиликнинг ортиши эса ишлаб чиқариш имкониятларидан кенг фойдаланилаётганидан далолат беради. Дебиторларнинг айланувчанлигининг ортишини ҳам ижобий баҳолаш мумкин эмас.

Айланма маблағлар айланувчанлиги деганда, уларнинг пулга айланиш тезлиги тушунилади. Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициенти жорий активларнинг моддий активлар ва дебиторлик қарзларига бўлган нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткичлар бевосита корхонанинг бозордаги фаоллигини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосда бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади ва унинг муҳим йўналишлари белгиланади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ўстириш;
- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларнинг истеъмолчиларга етиб бориши ва улар бўйича ҳужжатлар айланишини тезлаштириш;
- айланма маблағлар бўйича меъёрий захиралар сақланишига амал қилиш;
- айланма маблағларнинг меъёрдан ортиқчалигини мақсадли бошқаришни йўлга қўйиш (молларни имтиёзли шартларда сотиш, ижарага бериш ва ҳоказолар);
- айланма маблағларни қайта баҳолашни баланс тузиш санасига ҳисобга олиш ва тўғри белгилаш;

- айланма маблағларни ҳисобдан чиқаришнинг халқаро усулларидан фойдаланиш;

- корхонанинг ҳисоб сиёсатини, шунингдек, айланма маблағларини баҳолаш усулини белгилашда тармоқ ривожига ва технологик жараёнларнинг мураккаблигига аҳамият бериш;

- тугалланмаган ишлаб чиқаришни тўғри баҳолаш;

- айланма маблағлар нормативини белгилаш;

- айланма активлар айланишини тезлаштириш мақсадида товар ва моддий бойликларни сотиш бўйича ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларида фойдаланиш;

- маҳсулотларни марказлашган ҳолда сотиб олиш, сотувчи ва сотиб олувчининг монополиясини чеклаш;

- моддий айланма маблағлардан самарали фойдаланишда техник ва технологик янгилашни таъминлаш ва ҳоказолар.

Молиявий таҳлилнинг муҳим қисмини айланма маблағлардан самарали фойдаланганликни ўрганиш эгаллайди, бунда, айланма маблағлар айниқса, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, дебиторлик қарзлари, пул ва валюта маблағлари, қимматли қоғозлар ҳаракатини ўрганиш муҳимдир.

Айланма активларнинг айланиши ва уларнинг самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши;

- моддий айланма маблағларининг ўртача йиллик кийматининг ўзгариши ва ҳоказо.

Айланма маблағларнинг айланишини таҳлил қилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

а) айланиш коэффиценти = маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум /товар-моддий захиралари

**б) айланиш куни = товар-моддий захиралари х ҳисобот давр куни
(360) / маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум**

**в) айланиш салмоғи коэффиценти = товар-моддий захиралари /
маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан соф тушум**

Бу коэффицентлардан ташқари айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир ёки минг сўмлик захира ва харажатлар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, соф тушум ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси каби маълумотлар ҳам таҳлил этилади.

15-жадвал

Корхонанинг айланма маблағларини айланиши таҳлили

Кўрсаткичлар номи	2014 йили	2015йили	Фарқи
1	2	3	4=3-2
1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўмда	34115117	45195741	+11080624
2. Жами товар — моддий захиралари, минг сўмда	3411467	4210744	+799277
3. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш коэффиценти (1/2)	10,0	10,7	0,7
4. Товар моддий захираларининг (айланма маблағларнинг) айланиш даври, кун ҳисобида (360/3қатор)	36,00	33,54	-2,46
5. Айланиш салмоғи коэффиценти (2/1)	0,10	0,09	-0,01
6. Айланишни тезлашиши ёки секинлашишидан маблағларнинг бўшашганлиги (-) ёки кўшимча (+) жалб қилинганлиги:			
а) кун ҳисобида	Х Х	Х Х	-2.46
б) суммада, минг сўмда -2.46 * 45195741 /360			-256862,4

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

15-Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, биз таҳлил қилаётган «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖда жорий йилда маҳсулотларни

сотишдан олинган соф тушум миқдори +11080624 минг сўмга ортган. Бунга мос равишда товар-моддий захираларининг қиймати ҳам +799277 минг сўмга ортган. Буларнинг натижасида товар-моддий захираларининг айланиш коэффициенти ўтган йилги 10 коэффициентдан ҳисобот йилига келиб 10.7 коэффициентга кўтарилган. Айланиш даври эса ўтган йилга нисбатан 2.46 кунга камайган, яъни тезлашган. Корхонанинг товар-моддий захиралари айланишининг тезлашиши натижасида корхона оборотидан маблағларнинг бўшашганлиги 256862,4 минг сўмни ташкил этган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳолаш мумкин.

Айланма маблағларни қоплашга ўзлик манбаларининг етиш ёки етмаслигининг таҳлили. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил этиш, молиявий таҳлилнинг корхона молиявий ҳолатини умумий баҳолаш босқичидан кейинги энг асосий босқич бўлиб, корхонанинг молиявий мустақамлиги таҳлили босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда корхонанинг айланма маблағларини қоплашга корхонанинг ўз маблағлари етарли ёки етишмаслиги ҳам урганилади.

Баланс маълумотларига қараб корхонанинг айланма маблағлари қандай манбалар ҳисобига ташкил этилганлиги ўрганилади. Бундай таҳлилнинг зарурлиги шундаки, корхоналарнинг молиявий мустақиллиги, барқарорлиги, кредит олишга лаёқатлилигини аниқлашда ўзлик манбалар билан таъминланганлик кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эгадир. Қуйидаги жадвалда захира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларнинг етарлилигини аниқлаш услуби келтирилган.

Қуйидаги 16-жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖда ҳисобот йили 2014 йилга нисбатан 2015 йилда 3110074 минг сўмга ўз маблағлари манбалари кўпайган.

Корхонанинг узоқ муддатли активлари эса 2014 йилга нисбатан 1714451 минг сўмга ортган. Корхонада жорий 2015 йилга келиб товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари ҳажми 1395623 минг сўмга

ортган. Ўзлик манбаларнинг кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

16-ж а д в а л

Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганликнинг таҳлили, (минг сўмда)

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	Фарқн
1. Ўз маблағларининг манбалари	13398411	16508485	3110074
2. Узоқ муддатли активлар	10976346	12690797	1714451
3. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўз манбалари (1-2)	2422065	3817688	1395623
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	0	0	0
5. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	2422065	3817688	1395623
6. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар .	2780912	2422213	-358699
7. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	5202977	6239901	1036924
8. Товар-моддий захираларининг жами	3411467	4210744	799277
9. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (3-8)	-989402	-393056	596346
10. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) еки етишмаслиги (-), (5-8)	-989402	-393056	596346
11. Товар-моддий захираларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) еки етишмаслиги (-)(7-8)	1791510	2029157	237647

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Корхонада 2014 йилда ва 2015 йилда узоқ муддатли мажбуриятлари бўлмаган. Қисқа муддатли мажбуриятлари эса 2014 йилда 2780912 минг сўм бўлган бўлса, 2015 йилга келиб 2422213 минг сўмни ташкил этган, яъни қисқа муддатли мажбуриятлари -358699минг сўмга камайган.

Бундай ҳолат эса корхонанинг товар-моддий захираларини қоплашга тегишли манбаларини қисқаришига таъсир этган. Мазкур корхонада товар-моддий захиралари ҳажми бирмунча юқори бўлганлиги учун жорий 2014 йилда ҳам, 2015 йилда ҳам товар-моддий захираларини қоплашга ўз манбалари ҳамда ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари -989402 ва -393056 минг сўмга етарли бўлмаган. Фақатгина қисқа муддатли мажбуриятлар ҳисобигагина товар-моддий захираларини қоплашга жами манбалар +2029157 минг сўмга ортиқча (етарли) бўлган. Бундан кўринадики, корхонанинг молиявий барқарорлиги 2014 йилда ҳам, 2015 йилда ҳам нобарқарор ҳолатда бўлган. Бундай натижалар бозор иқтисодиёти шароитида унчалик яхши натижа деб ҳисобланмайди. Шу сабабли ҳам, корхона маъмурияти молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Умуман олганда корхонанинг молиявий барқарорлиги 2014 йилга нисбатан 2015 йилда бироз бўлсада яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

2.3. Корхонада меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Меҳнат унумдорлигини ошириш мамлакат иқтисодиётидаги энг долзарб масалалардан бири саналади. Меҳнатнинг самарадорлиги корхонанинг келажагини белгилайдиган кўрсаткичлардан бири саналади. Меҳнат самарадорлиги, унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида битта ходимга тўғри келадиган ёки маълум вақт ҳисобига олинган натижа билан ўлчанади. Ишлаб чиқаришда бир кишига тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳажми, бир киши соатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми меҳнат унумдорлигини аниқловчи кўрсаткичлардан саналади.

Таҳлил жараёнида шуни инобатга олиш лозимки, меҳнат ҳам, унинг натижаси ҳам турли кўрсаткичларда ифодаланади. Масалан, меҳнат натижаси маҳсулот ҳажмида, даромад ёки фойда суммасида ифодаланиши мумкин. Таҳлилнинг мақсадига қараб ушбу кўрсаткичлардан бирини ёки ҳаммасини натижа сифатида қабул қилиш мумкин. Худди шундай меҳнат ҳам турли кўринишда ифодаланади. Масалан, корхонада банд бўлган ходимлар умумий сони, корхонада банд бўлган ишчилар сони, мутахассислар, бошқарув ходимлари, хизматчилар кабиларни олиш мумкин.

Шу туфайли меҳнат самарадорлиги тўғрисида тўлиқ ва батафсил хулоса қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аммо кўрсаткичлар тизимида тақрибан ёндашиш, улар таркибига нима тўғри келса шуни киритавериш мумкин эмас. Шу туфайли меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш лозим. Бунда меҳнат, меҳнат ресурслари билан бирга улардан фойдаланишда сарфланадиган харажатлар, иш кучининг қиймати, иш ҳақи каби тушунчаларни ҳам инобатга олиш лозим, чунки бозор иқтисодиёти кўп ва сифатли маҳсулот яратиш билан бирга унинг тежамли бўлишини ҳам тақозо қилади.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади.

Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

4. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.

5. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.

6. Меҳнат салоҳиятининг даромадлиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўллари алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги (Мс.н) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

$$\text{Мс.н}=\text{Q}/\text{Мс.}$$

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги (Мс.р)ни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (Мс) нисбати олинади:

$$\text{Мс.р}=\text{Ф}/\text{Мс.}$$

Меҳнат салоҳиятининг даромадлиги (Мс.д)ни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат салоҳияти миқдори (Мс) бўлинади:

$$\text{Мс.д}=\text{Д}/\text{Мс.}$$

Келтирилган кўрсаткичлар тизимига амалий маълумотларни қўллаб меҳнат салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузилади (17-жадвал).

Ушбу 17-жадвалдан кўриниб турибдики, махсулот ҳажми ортган ҳолда ялпи даромад ҳам 2015 йилда ортган, 2015 йили давр бошига нисбатан 150 %га ортган, фойда миқдори эса 141 %г борган, меҳнат унумдорлиги 140.24 %га, даромадлиги 143.92%га ортган бўлсада, фойдалилиги 134.71% га ортган. Меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичларига 2015 йилда корхона даромадидаги ижобий ўзгаришлар таъсир қилган.

**Меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014й.	2015й.	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	31279651	34650200	45785300	147
2. Ялпи даромад, минг сўм	8762510	9735223	13162109	150
3. Соф фойда, минг сўм	2516867	2796518	3538674	141
4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши	366	375	382	104
5. Мс. Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ:4қ)	85463,53	92400,53	119856,81	140,24
6. Мс. Даромадлиги, минг сўм(2қ:4қ)	23941,28	25960,59	34455,78	143,92
7. Мс. Фойдалиги, минг сўм (3қ:4қ)	6876,69	7457,38	9263,54	134,71

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Самарадорлик бўйича таҳлилнинг навбатдаги босқичида ходимлар сони асосий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциясини аниқлаш лозим. Бу эса уларнинг динамикасини таҳлил қилишни тақозо қилади. Ходимлар сонининг динамикасини аниқлашда албатта ҳажм кўрсаткичларини фойда каби кўрсаткичлар динамикаси билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун қуйидагича жадвал тузилади (18-жадвал).

**«Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ да ходимлар сони,
маҳсулот ҳажми ва фойда кўрсаткичларининг динамикаси**

Йиллар	Ходимлар сони		Маҳсулот ҳажми		Соф фойда	
	киши	ўзгариш суръати, %	суммаси, мингсум	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2013	366	100	31279651	100,0	2516867	100,0
2014	375	102	34650200	110	2796518	108
2015	382	104	45785300	147	3538674	141

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ходимлар сони шу уч йил мобайнида 104 фоизга ўсган. Аммо маҳсулот ҳажми ўсиш суръати шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Фойданинг ўсиш суръати ҳам шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Масалан, маҳсулот ҳажми шу уч йилда 47 фоизга ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 41 фоизгача ортган. Бу кўрсаткичлар меҳнат самарадорлигининг ошганлигидан, рентабеллигини кўтарилганидан далолат беради. Буни аниқ билиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (12-жадвал).

19-жадвал

«Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖ да меҳнат унумдорлиги ўзгариш динамикаси

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги		Меҳнатнинг фойдалилиги	
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	1 ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2013	85463,5	100,0	6876,69	100,0
2014	92400.53	108	7457.38	109
2015	119856.81	140,24	9263.54	134.7

12- жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, меҳнат унумдорлиги ҳам, меҳнат рентабеллиги ҳам жадал ўзгарган, олдинги йил, яъни 2014йилда кичик бўлиб, 2015 йил мобайнида 2013 йилга нисбатан жадал ўсиш суръатининг шу иккала кўрсаткич бўйича ҳам кўрамаиз.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Корхонанинг охириги уч йиллик фаолияти давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар билан ўсиб борган. Таҳлил даврининг охирига келиб эса базис йилга нисбатан 147% фоизга ўсишга эришилган. Бу ҳолат корхонада ишлаб чиқариш фаолияти яхши ташкил этилганлигидан дарак бермоқда. Сотув ҳажми ҳам ушбу давр охирида 147%га ўсган бўлиб

маркетинг фаолияти бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилган деб хулоса қилиш мумкин. Таҳлил даврида сотишдан олинган ялпи фойда 2013 йилда 8762510 минг сўмни ташкил этган бўлса 2015 йилга келиб 13162109 минг сўмгача ортган ёки 150 %га ўсишга эришилган. Буни ижобий баҳолаш мумкин.

Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган даромад суммасида эса юқори суръатлардаги ўсишни кузатиш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (фонд қайтими) суммасининг ўзгариши ижобий бўлиб, охириги икки йилда бир маъромда ўсиб борган. Айланма маблағларнинг айланувчанлигининг камайганлиги сотиш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидан, даромадлиликининг ортиши эса ишлаб чиқариш имкониятларидан кенг фойдаланилаётганидан далолат беради. Дебиторларнинг айланувчанлигининг ортишини ҳам ижобий баҳолаш мумкин эмас.

масалалардан бири саналади. Меҳнатнинг самарадорлиги корхонанинг келажagini белгилайдиган кўрсаткичлардан бири саналади. Меҳнат самарадорлиги, унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида битта ходимга тўғри келадиган ёки маълум вақт ҳисобига олинган натижа билан ўлчанади. Ишлаб чиқаришда бир кишига тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳажми, бир киши соатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми меҳнат унумдорлигини аниқловчи кўрсаткичлардан саналади.

Меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичларига 2015 йилда корхона даромадидаги ижобий ўзгаришлар таъсир қилган.

Ходимлар сони шу уч йил мобайнида 104 фоизга ўсган. Аммо маҳсулот ҳажми ўсиш суръати шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Фойданинг ўсиш суръати ҳам шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Масалан, маҳсулот ҳажми шу уч йилда 47 фоизга ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 41 фоизгача ортган.

III боб. Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш” АЖ иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

3.1. «Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш” АЖ иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари ва уни яхшилаш йўналишлари

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: иқтисодий барқарор корхона, иқтисодий хатарли корхона, иқтисодий ночор корхона: ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга; ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффиценти (K_{TK});
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{ХМ}$);
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($R_{ИХ}$),
- Активлар рентабеллиги. (R_A):
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{ХҚ}$);
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:
- Эскириш коэффиценти ($K_{Эск}$)
- молиявий мустақиллик коэффиценти ($K_{ФН}$);

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англаувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сифими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда

кўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

20- ж а д в а л

**Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун
маълумотлар**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 й.	2014 й.	2015 й.
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	14835624	16168092	18923539
2. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	9878711	10976346	12690797
3. Жорий активлар	минг сўм	4956913	5191746	18923539
4. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	13398411	16508485	3110074
5. Жорий мажбуриятлар		1815120	2780912	2422213

Манба: Корхона маълумотлари асисиди муаллиф томонидан тузилди

1. Тўлов қобилияти коэффиценти (K_{TK}) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{TK} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{P_2 - ДО}$$

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

P_2 – мажбуриятлар (қиска муддатли қарзлар, қиска муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо), бухгалтерия балансининг 770 сатри;

ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар **тўлов қобилияти коэффиценти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

$$2013 \text{ й. } 4956913 / 1815120 = 2.73$$

$$2014 \text{ й. } 5191746 / 2780912 = 1.86$$

$$2015 \text{ й. } 18923539 / 2422213 = 7.81$$

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$) корxonанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент кўйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П_1 + Дзк2) - A_1}{A_2}$$

$П_1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

A_1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

$Дзк2$ – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффицентнинг минимал қиймати - 0,2.

$$2013 \text{ й. } (13398411 + 0 - 9878711) / 4956913 = 0.71$$

$$2014 \text{ й. } (16508485 + 0 - 10976346) / 5191746 = 1.06$$

$$2015 \text{ й. } (13110074 + 0 - 12690797) / 18923539 = 0.02$$

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{их}$),

$$P_{их} = \frac{СФ}{МИТ}$$

$$2013 \text{ йилда } P_{их} = 2516867 / 21941095 = 0.11$$

$$2014 \text{ йилда } P_{их} = 2796518 / 24378994 = 0.12$$

$$2015 \text{ йилда } P_{ix} = 3538674 / 32033632 = 0.11$$

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

$$2013 \text{ йилда } P_a = 2516867 / 14835624 = 0.16$$

$$2014 \text{ йилда } P_a = 2796518 / 16168092 = 0.17$$

$$2015 \text{ йилда } P_a = 3538674 / 18923539 = 0.18$$

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{хк}$)

(жорий молиявий мустақиллик коэффиценти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

$П_1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$ДО$ – узоқ муддатли қарз ва кредитлар,бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффицентининг қиймати йил охирида бирдан кичик бўлса, корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжудлигининг аломати бўлади. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффицентининг камайиши корхонанинг молиявий хатарини ортишини билдиради.

$$2013 \text{ й. } 13398411 / (1815120 - 0) = 7.38$$

$$2014 \text{ й. } 16508485 / (2780912 - 0) = 5.93$$

$$2015 \text{ й. } 3110074 / (2422213 - 0) = 1.11$$

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:

Q ҳақиқий

$$K_{кф} = \frac{Q_{лойиха} - (Q_{ижара} + Q_{консерв.})}{Q_{кф}}$$

$$2013 \text{ й. } 31279651 / (35560120 - 0) = 0.87$$

$$2014 \text{ й. } 34650200 / (39850120 - 0) = 0.86$$

$$2015 \text{ й. } 45785300 / (49560120 - 0) = 0.92$$

7. Эскириш коэффиценти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида куйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Кэск} = \text{Ав.эс} / \text{Ав.бқ}$$

$$2013 \text{ йил } 1273094 / 9878711 = 0.12$$

$$2014 \text{ йил } 1298834 / 10976346 = 0.11$$

$$2015 \text{ йил } 1556298 / 12690797 = 0.12$$

21- ж а д в а л

Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2013 йилга	2014 йилга	2015 йилга	Ўзгариш и (+,-)
1		2	3	4=3-2
1. Тўлов қобилияти коэффиценти	2.73	1.86	7.81	+5.08
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти	0.71	1.06	0.02	-0,69
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.11	0.12	0.11	-
4. Активлар рентабеллиги	0.16	0.17	0.18	+0.02
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти	7.38	5.93	1.11	-6,27
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти	0.87	0.86	0.92	+0.05
7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти	0.12	0.11	0.12	-

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, корхонанинг иқтисодий барқарорлик ҳолатига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига

асосланган ҳолда коэффициентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, Тўлов қобиляти коэффициенти 2013 йилга нисбатан 5.08 коэффициентга ўсган. 2013 йилдан ташқари ҳар бир йил учун тўлов қобиляти коэффициенти ҳисобот йилининг охирида меъердаги 1.25 дан юқори бўлган. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти давр охирида - 0.69 пунктга камайган, бу ўз навбатида белгиланган меъердан, яъни бирдан анча кам. Лекин маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги меъердаги 0.05дан 2013 ва 2015 йиллари юқори бўлган.

Активлар рентабеллиги даврнинг 2014 йили давомида 17% бўлган. Активлар рентабеллиги давр охирида 2013 йилга нисбатан ортган бўлиб, меъерда бўлган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти 2015 йили давр бошидан 6.27 пунктга камайган. Ленкин хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати давр давомида бирдан юқори бўлган, бу корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжуд эмаслигининг аломатидир. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти ҳар йили 0.5 дан юқори бўлган. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш юқори даражада деб қабул қилиш мумкин. Асосий воситаларни эскириш коэффициенти 0.5 дан юқори бўлмаган, яъни меъерлар даражасидадир.

Мазкур коэффициентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий 2015 йилда нисбатан 2013 йилда бирмунча текис ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг иқтисодий барқарорлик коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши ижобий бўлган.

3.2. Корхона фаолияти рентабеллик даражасини ошириш йўналишлари

Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг қўлланиб, унга кўра фойданинг миқдори белгиланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бирок

рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Рентабеллик кўрсаткичлари барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир. Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк} * 100$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАйк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

$$2013 \text{ йилда } P_a = 2516867 / 14835624 = 0.16$$

$$2014 \text{ йилда } P_a = 2796518 / 16168092 = 0.17$$

$$2015 \text{ йилда } P_a = 3538674 / 18923539 = 0.18$$

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ($P_{см}$):

$$P_{см} = \frac{Я\Phi}{CСТ}$$

ёки

$$P_{см} = \frac{C\Phi}{CСТ}$$

Бу ерда: $P_{см}$ – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$Я\Phi$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

$CСТ$ – маҳсулот сотишдан соф тушум.

2013 йилда $P_{CM} = 2516867 * 100 / 30703605 = 8.19 \%$

2014 йилда $P_{CM} = 2796518 * 100 / 34115117 = 8.2 \%$

2015 йилда $P_{CM} = 3538674 * 100 / 45195741 = 7.8 \%$

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{хк}$):

$$P_{хк} = \frac{C\Phi}{XK}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

XK – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

2013 йилда $P_{хк} = 2516867 * 100 / 13398411 = 18.78 \%$

2014 йилда $P_{хк} = 2796518 * 100 / 16508485 = 16.93 \%$

2015 йилда $P_{хк} = 3538674 * 100 / 3110074 = 11.3 \%$

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{их}$),

$$P_{их} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда:

$C\Phi$ – соф фойда;

$МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннари.

2013 йилда $P_{их} = 2516867 * 100 / 21941095 = 11 \%$

2014 йилда $P_{их} = 2796518 * 100 / 24378994 = 12 \%$

2015 йилда $P_{их} = 3538674 * 100 / 32033632 = 11 \%$

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

2013 йил $2516867 * 100 / 9878711 = 25.4\%$

2014 йил $2796518 * 100 / 10976346 = 25.5\%$

2015 йил $3538674 * 100 / 12690797 = 27.9 \%$

6. Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$

2013й. $2516867 * 100 / 4956913 = 50\%$

2014й. $2796518 * 100 / 5191746 = 54 \%$

2015й $3538674 * 100 / 500401 = 57\%$

7. **Қарз маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

Соф фойда*100% / Қарз маблағлари жами

2013 йил $2516867 * 100 / 1815120 = 138 \%$

2014 йил $2796518 * 100 / 2780912 = 100.5 \%$

2015 йил $3538674 * 100 / 2422213 = 146 \%$

Таҳлил корхонанинг молиявий ҳисоблари асосида охириги уч йилдаги молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (22-жадвал).

22-жадвал

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2015й.да 2013й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2013й.	2014й.	2015й.	
1.Активлар рентабеллиги	0.16	0.17	0.18	+0.02
2. Сотиш рентабеллиги	8.19	8.2	7.8	-0.39
3.Хусусий капитал рентабеллиги	18.78	16.93	11.3	-7.48
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.11	0.12	0.11	-
5. Асосий воситалар рентабеллиги.	25,4	25,5	27,9	+2,5
6. Оборот активлар рентабеллиги.	50	54	57	+7
7. Қарз маблағлари рентабеллиги.	138	100.5	146	

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (22-жадвал) маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖда 2015 йилда ўтган йилларга нисбатан фақат битта рентабеллик турлари бўйича камайиш кузатилган.

Бу шундан далолат бермоқдаки, 2015 йилда корхонанинг самарадорлиги ортиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати яхшилигидан далолатдир. Маълумотлардан кўринадики, 2015 йилда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори ортган бўлса, бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари ҳам ортган, бошқа турдаги активлар эса ўсган. Соф фойда миқдори эса олдинги йилларга нисбатан 2015 йилда ортган. Натижада аксарият рентабеллик кўрсаткичларида ортиш тенденцияси ҳосил бўлган.

3.3. Корхона мулкининг таркиби ва маблағлари манбаини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш омиллари

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкининг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутади. Айниқса, балансга қараб корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият

меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Одатда, корхона маблағларига асосан воситалар ва оборотдан ташқари активлар ҳамда материал (меъёрлаштирилган) айланма пул маблағлари киради. Уларнинг миқдори ҳиссадорлик, ҳамкорлик, кичик ва бошқа корхоналарнинг катта-кичиклигига, ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири корхона мулки, захиралар ва харажатларни ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай маблағлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, яъни хомашё ва материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар ва комплектловчи буюмлар, конструкция ва деталлар, иккиламчи материаллар ва ўрнатилган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, парвариш ва боқувдаги чорва моллари, уруғ ва ем-хашак, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва бошқалар киради. Улар корхонанинг бир меъёрида ишлаши ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариши ва шартнома бўйича сотиш режасини таъминлашга етарли бўлиши лозим. Шунингдек, захира ва харажатлар таркибига ўсимлик ва чорвачилик бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулот ва бошқалар ҳам киради. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш лозим бўлади.

Қуйидаги жадвалда корхона мулкининг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати ўрганилади. Келтирилган маълумотлар баланснинг жами суммасига тенг бўлади (23-Жадвал)

маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган. «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖ да ўрганилаётган жорий даврда жами активлар суммаси 2755447 минг сўмга ёки +17 % га кўпайган. Активларнинг ортишини ижобий баҳолаган ҳолда, маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, активларнинг ортиши асосан узоқ муддатли активлари эса 1714451 минг сўмга ортганлиги ҳисобига бўлган. Корхонанинг жорий активларнинг 1040996 минг сўмга ортганлигини ижобий баҳоламоқ лозим. Жорий активларнинг таркибини ўрганадиган бўлсак, жорий 2015 йилда 2014 йилга

нисбатан товар-моддий захиралар 23 % га ортган, яъни бу 789257 минг сўмни ташкил этади. Корхонанинг дебиторлик қарзлари ҳам 2015 йилга келиб 28 % га ёки 403785 минг сўмга ортганлигини ижобий баҳолаш қийин. Чунки, дебиторлик қарзининг бундай тартибда ортиб бориши корхона айланма маблағларининг айланишини секинлаштиради, тўлов қобилиятининг яхшилашувига олиб келмайди.

23- ж а д в а л

Корхонанинг бухгалтерия балансини актив моддаларининг таҳлили

Мол- мулкнинг таркиби	2014 йилга		2015 йилга		Ўзгариши (+,—)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғ и, %	Сумма, минг сўм	Салмоғ и, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	2014 йилга нисбата н ўсиши. %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=(4/2)* 100
1. Узоқ муддатли активлар	10976346	67.8	12690797	67	+ 1714451	-0.8	+15.6
2. Жорий активлар	5191746	32.2	18923539	33	+1040996	+0.8	+20
Шу жумладан:							
А) Товар- моддий захиралари	3411467	21.1	4210744	22.2	+789257	+1.1	+23
Б) Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар	328174	2	176128	0.9	-152046	-0.1	-46.3
В) Дебиторлар	1442085	8.9	1845870	9.7	+403785	+0.8	+28
Баланс активининг ЖАМИ	16168092	100,0	18923539	100,0	+2755447	-	+17

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Корхона активлари таркибида асосий салмоқни товар-моддий захиралари эгалламоқда, яъни у 21-22 % га яқин активлар суммасини ташкил

этмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхонада меъёрдан ортиқча товар-моддий захираси яратилганлигини ҳамда унинг натижасида корхона жорий активларининг айланиши секинлашишини кўрсатмоқда. Корхона маъмурияти мавжуд активлардан унумли фойдаланиш чораларини кўриши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бозор шароитида айланма маблағлар, захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми энг кам, соф фаолият кўрсатадиган шароитига етарли бўлиши лозим. Таҳлилда эса баланс маълумотлари ва материалларни ҳисобловчи счётлардан фойдаланилади.

Корхонанинг маблағлари манбаининг таҳлили. Баланснинг пасив қисмида корхона маблағларини қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тўлдириш қуйидагилардан иборат:

1. Ўзлик маблағларнинг манбалари.
2. Мажбуриятлар.

Бунда энг муҳим ўринни корхонанинг ўзига қаршли устав қўшилган, резерв, капиталлар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал корхона ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. У турли хўжалик муомалалари таъсирида ўзгариб туради. Бунга фойданинг тақсимланиши ҳисобига тўлдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида ўринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг кўпайиши энг аввало Низом жамғармасини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёт жамғармалари яратилишга олиб келади. Амортизация ва бошқа фондларнинг ташкил бўлиши ҳам бозор шароитида мазмунан ўзгармоқда. 1991 йиддан амортизация ҳисоблашда тезлаштирган меъёрлар (актив турдаги машиналар, қурилмалар, транспорт ва бошқа воситалар бўйича) қўлланиши ва тўлиқ тиклаш қисми бўйича амортизация

ҳисоблаш асосий воситалар баланс қийматининг маҳсулотлар таннархига ўтказиб бўлгунча қадар бажаришлик каби янгиликлар жорий этилди.

Кредит ва бошқа маблағларга қисқа, ўрта, узоқ муддатга мўлжаллаб олинган кредитлар, ўз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблағлари киради. Шунингдек кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа пасивлар ҳам шу ерда инобатга олинади. Бунда кредиторлик қарзлардан ташқари бюджетга, суғурта ва меҳнат ҳақи юзасидан корxonанинг қарзлари кўрсатилади. Бозор иқтисоди қонуниятлари ва талабидан келиб чиққан ҳолда корхонада қарз кам бўлгани маъқул. 24-жадвалда корхона маблағларининг манбалари кўрсатилган.

24-жадвал

**«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖнинг бухгалтерия балансини
пассив моддаларининг таҳлили**

Мол- мулкнинг таркиби	2014 йилга		2015 йилга		Ўзгариши (+,—)		
	Сумма, минг сўм	Салмо ги, %	Сумма, минг сўм	Салмо ги, %	Сумма, минг сўм	Салмо га, %	2014 йилга нисбата н ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=(4/2)* 100
1. Ўз мблағларини нг манбалари	13398411	82.8	16508485	87.2	+3110074	+ 4.4	+23.2
2. Мажбуриятла р Шу жумла дан:	2780912	17.2	2422213	12.8	-358699	-4.4	-12.8
а) узоқ муддатли мажбуриятлар	—	—	—	—	—	—	—
б) жорий мажбурият лар	2780912	17.2	2422213	12.8	-358699	-4.4	-12.8
Баланс ЖАМИ:	16168092	100,0	18923539	100,0	+2755447	-	+17

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

24-Жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖда жорий 2014 йилга нисбатан 2015 йилда жами пассивлари суммаси **2755447** минг сўмга ёки 17% га кўпайган. Корхонада мол-мулкни ташкил этувчи манбаларнинг бундай тартибда ортишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Аммо, ушбу манбалар қайси манбалар ҳисобига ўзганганлигига алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни, манбаларнинг ўзгариши, ўз маблағлари манбалари ҳисобига ёки қарз манбалари ҳисобига эканлигини аниқлаш лозим. Корхонанинг маълумотларидан кўринадикки, корхонада жорий 2015 йилда ўз маблағлари манбалари 2014 йилга нисбатан 3110074 минг сўмга ёки 23.2% га ўсган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳоламоқ лозим. Чунки, ўз маблағлари манбаларининг кўпайиши корхонанинг молиявий мустақиллигининг ортишига, тўлов қобилиятининг яхшиланишига ҳамда корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига олиб келади. Маълумотлардан кўринадикки, корхонада жорий 2015 йилга мажбуриятлар суммаси 358699 минг сўмга ёки 12.8 % га пасайган. Бу эса мажбуриятларнинг умумий пассивларда тутган салмоғини 4.4 % га камайтирган. Бундан кўринадикки корхонанинг тўлов ликвидлиги анча кўтарилган. Баланс пассивидаги моддаларга эътибор қиладиган бўлсак, асосий салмоқни, яъни 87.2 фоизни ўз маблағлари манбалари ташкил этмоқда. Бу корхонанинг мустаҳкам молиявий барқарор эканлигидан далолат беради. Мазкур корхонада ҳисобот даврида жорий мажбуриятлари, яъни кредиторлик қарзлари бир қадар камайганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишининг услубий ва меъёрий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган 54-сонли «Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари

таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича.

2. Харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича.

Харажатларнинг элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларнинг структураси ва динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сифими, меҳнат сифими ва фонд сифими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами таркиби бўйича ўзгаришлари мутлақ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар

бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади (25-жадвал).

25-жадвал

Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасининг таҳлили

Харажат гуруҳлари	2014йил		2015йил	
	Сумма, мииг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %	Сумма, мииг сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %
1.	2.	3.	4.	5.
1. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтадиган чиқиндиларни чегирган ҳолда), шу жумладан:				
Хом ашё ва материаллар (харид қилинадиган)	20795281,88	85,3	27677058	86,4
Чет ташкилотлар бажарган ишлаб чиқариш тарзидаги ишлар хизматлар	18815707,57	77,18	24672303,4	77,02
Табиий хом ашё	48757,988	0,2	201811,882	0,63
Четдан олинадиган барча турдаги ёқилғи	4875,7988	0,02	3203,3632	0,01
Бошқа ишлаб чиқариш моддий харажатлари	1218949,7	5	1601681,6	5
2. Ишлаб чиқариш тарзидаги иш ҳақи тўлаш харажатлари (суткаликсиз)	706990,826	2,9	1089143,49	3,4
3. Ишлаб чиқаришга тегишли суғурта ажратмалари	1682150,586	6,9	2402522,4	7,5
4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш моддий активлар амортизацияси	394939,7028	1,62	544571,744	1,7
5. Ишлаб чиқариш тарзидаги бошқа харажатлар, шу жумладан:	1023917,748	4,2	864908,064	2,7
Ишлаб чиқаришдаги ишчилар активларни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш	482704,0812	1,98	544571,744	1,7
	41444,2898	0,17	32033,632	0,1

1.	2.	3.	4.	5.
Хизмат сафари харажатлари	31692,6922	0,13	38440,3584	0,12
Жорий ижара бўйича харажатлар: мулкка	12189,497	0,05	64067,264	0,2
Ишлаб чиқариш ходимларининг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича нафақалар	73136,982	0,3	64067,264	0,2
Ишлаб чиқариш жараёнига оид бошқа харажатлар	336430,1172	1,38	320336,32	1
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннари (1+2+3+4+5)	24378994	100	32033632	100

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖда харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасининг таҳлили (25-жадвал) маълумотларидан кўринадик, «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннарининг асосий қисмини сотиб олинган хом ашё ва материаллар ташкил қилади. Бу кўрсаткичнинг жамига нисбатан салмоғи, 2014 йилда 77.18 % ни 2015 йилда эса 77.02 %ни ташкил этган, яъни ўзгариш сезиларли эмас. Ушбу харажатларнинг таннарга энг катта таъсир кўрсатадиган бўлгани учун кўпроқ шунга аҳамият бериб уни нима сабабдан юқори эканлиги аниқланиши керак. Материални олиб келиш қимматга тушаётгани, сотувчининг узоқдалиги ва транспорт харажатлари, бозордан бошқа сотувчи ва арзонроқ нархдаги хом ашё ва материаллар топиш керак.

Кейинги ўринда иш ҳақи харажатлари ҳам юқори. Бу кўрсаткичнинг жамига нисбатан салмоғи, 2014 йилда 6.9 % ни 2015 йилда эса 7.5 %ни ташкил этган, 0.6% пунктга ўсиш рўй берган. Уни камайтириш учун ишчиларни иш режимини тўғри ташкил қилиб, уларнинг аниқ бажараётган ишларини ўрганиб чиқиш керак. Бу ерда ҳар бир ишчини аниқ бажарадиган

ишларини белгилаб олиб ҳаммасига режа тузилиши ва ишчиларнинг шу режага амал қилишини кузатиш керак. Ишчилар бекорчи бўлиб қолмаслигини таъминлаш керак.

Энг аввало айни вақтда қайси ишчи нима иш қилаётгани, у бу ишни бажариши учун қанча вақт кетишини ва қанча вақт у бўш бўлиб қолишини ўрганиб таҳлил қилиш керак. Иложи бўлса икки ишни икки киши эмас бир киши бажаришига эришиш керак.

Четдан олинадиган ёқилғи ҳаражатлари ҳам салмоқли бўлиб 2014 йилда ва 2015 йилда бир ҳил улушга эга бўлган. Унинг аҳамияти ҳозирги молиявий инқироз шароитида катта бўлиб, қайта кўриб чиқиш, ўрганиш керак. Машиналарнинг ёқилғи сарфини камайтириш керак. Ҳозирги вақтда ёқилғини нархини пасайтириб бўлмаслигини яъни у давлат томонидан белгиланишини ҳисобга олиб, эътиборни ёқилғи сарфини камайтиришга қаратиш лозим. Шунинг учун, бу ерда ҳам машина ва техникаларнинг бажараётган ишларини ўрганиб чиқиб уларга тўғри режа тузилиши керак. Машина ва техникаларнинг иш унумдорлигини ҳисоблаш керак. Эски бўлган, талабга жавоб бермайдиганларини янгилаш керак. Лекин бу ерда янги техника ва машиналар олганда уларнинг амортизатсиясини ҳам унутмаслик керак, чунки, янги техникага биламизки ҳаражатлар кам бўлиши билан амортизатсияси юқори бўлади. Фойдали томони эса иш унумдорлигига эришиш мумкин бўлади. Яъни, янги техника келса ишчи кучини камайтириш мумкин бўлади, агар янги техника кўп функцияли бўлса, ёқилғи ҳаражатлари кам бўлади, таъмирлаш ва тех-хизмат ҳаржатлари ҳам кам бўлади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖнинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (22-жадвал) маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган «Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖда 2015 йилда ўтган йилларга нисбатан фақат битта рентабеллик турлари бўйича камайиш кузатилган.

Бу шундан далолат бермоқдаки, 2015 йилда корхонанинг самарадорлиги ортиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати яхшилигидан далолатдир.

«Андижон 1-сон пахтани қайта ишлаш» АЖ да ўрганилаётган жорий даврда жами активлар суммаси 2755447 минг сўмга ёки +17 % га кўпайган. Активларнинг ортишини ижобий баҳолаган ҳолда, маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, активларнинг ортиши асосан узоқ муддатли активлари эса 1714451 минг сўмга ортганлиги ҳисобига бўлган. Корхонанинг жорий активларнинг 1040996 минг сўмга ортганлигини ижобий баҳоламоқ лозим. Корхона активлари таркибида асосий салмоқни товар-моддий захиралари эгалламоқда, яъни у 21-22 % га яқин активлар суммасини ташкил этмоқда. Бу шундан далолат берадики, корхонада меъёрдан ортиқча товар-моддий захираси яратилганлигини ҳамда унинг натижасида корхона жорий активларининг айланиши секинлашишини кўрсатмоқда. Корхона маъмурияти мавжуд активлардан унумли фойдаланиш чораларини кўриши лозим деб ҳисоблаймиз.

Корхонанинг маълумотларидан кўринадики, корхонада жорий 2015 йилда ўз маблағлари манбалари 2014 йилга нисбатан 3110074 минг сўмга ёки 23.2% га ўсган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий деб баҳоламоқ лозим. Чунки, ўз маблағлари манбаларининг кўпайиши корхонанинг молиявий мустақиллигининг ортишига, тўлов қобилиятининг яхшиланишига ҳамда корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига олиб келади. Маълумотлардан кўринадики, корхонада жорий 2015 йилга мажбуриятлар суммаси 358699 минг сўмга ёки 12.8 % га пасайган. Бу эса мажбуриятларнинг умумий массивларда тутган салмоғини 4.4 % га камайтирган. Бундан кўринадики корхонанинг тўлов ликвидлиги анча кўтарилган. Баланс массивидаги моддаларга эътибор қиладиган бўлсак, асосий салмоқни, яъни 87.2 фоизни ўз маблағлари манбалари ташкил этмоқда. Бу корхонанинг мустаҳкам молиявий барқарор эканлигидан далолат беради. Мазкур корхонада ҳисобот даврида жорий мажбуриятлари, яъни кредиторлик қарзлари бир қадар камайганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим.

Хулоса ва таклифлар

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигин ошириш мамлакат иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Андижон 1-сонли пахтани қайта ишлаш» АЖда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганиб қуйидаги хулоса ва таклифларга эга бўлдик.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корxonанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корxonанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корxonалар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корxonаларнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омиллар, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилona ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш*, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Корхона маҳсулотларани ишлаб чиқариш учун қилаётган сарф харажатларини жуда қаттиқ назорат қилиши ва ўрганиши лозим. Бу жуда мураккаб аммо зарурий чора ҳисобланади. Корхона енгил саноат соҳасига кирганлиги туфайли унинг ишлаб чиқариш харажатлари таркибида хомашёнинг нархи 60-80 фоизни ташкил этади. Демак корхона энг аввало арзон хомашё олиш имкониятларини ўрганиши лозим. Корхона томонидан ишлаб чиқаришга жал этимасдан туриб қолган қувватлар мавжуд Шу қувватлардан тезроқ қутилиш йўллари кўриши мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча корхона асосий фондларнинг 22 фоизини сотиши ёки ижарага бериши керак. Чунки шу миқдордаги асосий фондлар ишлатилмай турибди ва улар учун ҳар йили мулк солиғи тшланади. Бу корхонага катта зарар келтиради.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини оши-ришнинг қуйидаги йўналишларини корхона учун тавсия сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Ташиқлий йўналишлар бўйича:

- асосий воситаларнинг фақат корхонага иш берадиган қисми-нигина олиш;
- асосий воситаларнинг ортиқча қисмини ушлаб турмаслик;
- эскирган ва маънавий талабга жавоб бермайдиган асосий во-ситаларни ҳисобдан чиқариш;

- асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта ўзгарти-риш;
- асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг мувофик шаклларини белгилаш ва ҳ.к.

Техник йўналишлар бўйича:

- асосий воситаларни таъмирлаш чораларини кўриш, техник қаров;
- эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш;
- автоматлаштирилган тизимни яратиш;
- механизациялашни кучайтириш ва ҳ.к.

Эксплуатацион йўналишлар бўйича:

- бир сменалик ва кўп сменалик;
- ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосий воситаларни техник ҳолат ва ҳаракатини бошқариш;
- асосий воситалар қарови юзасидан масъул шахсларни ажратиш;
- асосий воситалар бўйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва ҳ.к.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши кабилар.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;

- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши кабилар.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

1. Меҳнат салоҳияти рентабеллиги ортиши учун соф фойдани ошириш имкониятларини қидириш лозим. Бу борада ишлаб чиқариш таннархидаги харажатларга эътибор қаратиш лозим.

2. Ходимлар штат жадвали билан таъминланиши кўрсаткичини ошириш лозим.

3. Иш ҳақи камайиб боришини олдини олиш ва меҳнат мотивациясини кучайтириш лозим.

4. Кўпроқ меҳнат хақи тўланиши. Меҳнатнинг натижаси қанча тез рағбатлантирилиб борилса, у шунча унумли, самарали бўлади.

5. Яхши меҳнат шароитининг яратилиши.

6. Ходимнинг малакасига мос иш билан таъминланиши.

7. Корхонада яхши маънавий-рухий муҳитнинг яратилиши.

Хулоса қилиб айтганимизда корхонанинг ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш учун мавжуд имкониятларни ишга солиш зарур ва бизнинг фикримизча корхонанинг илм фан билан алоқаларини кучайтириш талаб қилади. Корхона ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва уни ривожлантиришга олиб келадиган омилларни белгилаши учун йирик иқтисодчи олимлар билан шартнома асосида иш олиб бориши керак бўлади. Бу ўз самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Фойданилган адабиётлар руйхати
Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. .- 57 б.
 2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
 3. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси. 7 январ 2012 йил
 4. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари,**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. “2016 йилга асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”. ПҚ-2455 сон, 2015 йил 22 декабр.
 6. “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сонли қарори.
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 2458-сонли қарори
 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПҚ-1731 сонли Қарори;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги “2012-2013 йилларда давлат мулкани хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-1743 сонли Қарори;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги №ПҚ-1754 сонли Қарори;

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги №ПҚ-1758 сонли Қарори;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида”ги №ПҚ-1816 сонли Қарори;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2010 й. № ПҚ-1442 сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги 1623-сонли «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

16. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 11 апрел 2012й.

17. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.// Халқ сўзи, 15 март 2007 й.

18. Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт

салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони

19. «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрельдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон

20. «Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 103-модда

21. «2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 августдаги “2012-2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №234 сонли Қарори;

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №333 сонли Қарори;

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №379 сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

25. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга карамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

26. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

27. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

28. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

29. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220)

30. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси). // Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

31. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

32. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

33. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

34. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005, - 92 б.

Асосий адабиётлар

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият”, 2016. – 465 бет.

36. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2009. – 340 бет.

37. Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятия. – СПб.: Питер, 2009. – 224 с.

38. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

39. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

40. Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –T.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, – 160 b.

41. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004, – 208 б.

42. Ақромов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2010, -223 б.

Қўшимча адабиётлар

43. Царев В. В. Оценка конкурентоспособности предприятий (организаций). Теория и методология: учеб. пособия.- М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008. – 799 с.

44. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. -Т.: 1999 йил 5 февраль

45. “Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 2005 йил 24 апрел

Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

46. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Инвестициялар иқтисодий ўсишнинг ресурслар асоси // «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида» Мақолалар тўплами. 5-қисм. - Т.: ТДИУ, 2005, – 28-48 б.

47. Махмудов Э.Х., Нажимадинов Р.Д. Корхонанинг баҳо сиёсати // Ҳамкор. – 2010, - 30 декабрь.

48. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Инвестиционная поддержка развития малого бизнеса и предпринимательства. // «Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» мавзусидаги Республика

илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. ТДИУ, Тошкент, 2 ноябр 2010.
– 14-17 бетлар.

49. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

50. Ўзбекистон Республикасининг 2014-2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. WWW/ stat.uz.

Интернет сайтлари

51. www.mineconomy.uz (O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi)
52. www.mehnat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi)
53. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)
54. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi)
55. www.ima.uz (O‘zbekiston Respublikasi Intellectual mulk agentligi)
56. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)